*ХДП: бошланғич ташкилот ташаббуси*

# ВАЪДАГА ВАФОДОР ҚУРБОНАЛИ

**Олтиариқ кейинги йилларда Фарғона вилоятидаги илғор туманлардан бирига айланди. Иқтисодий ислоҳотларнинг бориши кўнгилдагидек. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ривожланиш суратларидан ибрат олса арзийди. Ўтган йили олтиариқликлар вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажаришганди. Бу йилги мавсумда ҳам туман пахтакорлари терим бўйича вилоятда карвонбошилик қилишмоқда. Бу эришилган ютуқларда тумандаги барча ХДП бошланғич ташкилотлари фаоллари олиб бораётган катта ташкилий, тарғибот-ташвиқот ишларининг муҳим ўрни бор.**

Бозорбой Отақулов номли жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти рўйхатида 69 нафар аъзо бор. Улар хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида юксак унум ва ташаббускорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликда партия ташкилотининг обрўси баланд.

«ХДП сафига ўтмоқчиман. Низом ва Дастур билан яқиндан танишман», дея ариза билан мурожаат қилди ёш бригада бошлиғи Қурбонали Тожибоев.

— Яхши, деди бошланғич партия ташкилоти котиби.— Партия фаоллари билан маслаҳатлашамиз. Сизни қабул қиламиз. Аммо, бир шарт билан. Мана пахта йиғим-терим мавсуми ҳам бошланди. Йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарган кунингиз партия билетини қўлга оласиз. Партиямиз, қолаверса юрт ишига садоқатингизни шу тариқа исбот қиласиз.

Қурбоналининг далаларида мўл ҳосил битди. Бу албатта эрта баҳор изғирини, ёз жазирамасидаги фидокорона меҳнатнинг самараси эди. Теримнинг дастлабки кунлариёқ иш тартиб билан ташкил қилинди. Бу ўз самарасини берди. И. Қосимова, С. Қаҳҳорова, С. Нурматова, С. Рустамова сингари теримчилар кунига 120—150 килограммдан пахта териб, бригада хирмонининг юксалишига катта ҳисса қўшдилар. Теримчилар моддий рағбатлантириб борилди. Илғор теримчилар ҳар беш кунликда 1500 -1800 сўмдан олиб турдилар.

Қилинган ишлар натижасида шу йил 15 сентябрь куни Қ. Тожибоев бошлиқ бригада 30 гектарнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, туманда биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келди. Режа фақат биринчи терим эвазига амалга оширилганлиги диққатга сазовордир. Шу куни бригада дала шийпонида тантанали йиғилиш бўлди. ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов Қурбоналига партия билетини топширди. Унга ишда ва ҳаётда катта муваффақиятлар тилади.

Қурбоналининг сўзлари аниқ ҳисоб-китобларга асосланган. У гектар бошига 50 центнердан хирмон уйишни ният қилган. Зеро, эндиликда уни ХДП аъзоси сифатида партиядош ўртоқлари олдидаги масъулият ҳисси ҳам шу маррани эгаллашга чорлайди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

*Маҳалла — аҳиллик қўрғони*

# ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Самарқанд вилоятида маҳаллалар оммавий-сиёсий, маданий тадбирлар ўчоғига айланмоқда.

Маҳалланг отанг-онанг деб бежиз айтишмайди. Бу масканда инсон туғилади, вояга етади, ҳаётда ўз йўлини топади. Шу сабабли қадим-қадимдан маҳалла ҳар қандай шахс учун қадрли ҳисобланган. Бошқача айтганда, кишиларда «Маҳалла-кўй нима деркин?» деган масъулият бўлган. Вилоятда мазкур масканларнинг айнан ана шу жиҳатларидан ўринли фойдаланиш чоралари кўрилаётир.

Турли байрамлар шарофати ила маҳаллалар бино, идиш-товоқ ва бошқа рўзғор буюмлари билан таъминланди. Юзлаб телевизор, радиоаппаратуралар совға қилинди. Эндиги кунда ҳар бир маҳалланинг ўз дўкони, мажлисхонаси, чойхона, ҳатто спорт майдончаси бор. Шу сабабли бу ерда ҳар куни қизиқарли тадбирлар ўтказиб турилади.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими «Согда Бизнес» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ҳомийлигида республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги шарафига Самарқанд шаҳридаги 255 та маҳалла ўртасида «Энг яхши маҳалла» ва «Энг намунали оила» танловлари ўтказди.

Темирйўл туманидаги Ҳазора маҳалласи (оқсоқоли Юсуф Козимов) ғолиб деб топилди. Японияда ишлаб чиқарилган радио-видео мажмуаси билан маҳалла тақдирланди. Боғишамолдаги «Лолазор-2» ҳамда Сиёб туманидаги «Мулиён-1» маҳаллалари эса совринли ўринларни эгаллашди. Уларга ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

«Энг яхши оила» танлови ғолиблари Боғишамол туман Панжоб маҳалласида яшовчи Муяссар опа Ҳусаинова оиласига насиб этди. Уларга ҳам Японияда чиқарилган радио-видео мажмуаси берилди.

Дарвоқе Ҳусаиновлар оиласида 10 нафар фарзанд вояга етган. Етти ўғил, етти келин, 30 невара бир ҳовлида аҳил-иноқ яшайди. Бу катта рўзғорнинг қозони битта. Келинлар навбати билан овқат пиширишади. Барча юмушлар ҳам ўртада. Бир-бирини ҳар ишда қўллаб-қувватлашади. Ўзаро ҳурмат-эътибор кучли. Шаҳар партия кенгаши ана шу оила ҳақида алоҳида плакат чиқариш тараддудида.

Темирйўл туманидаги Ғафур Ғулом маҳалласидан Ҳалим Шарипов, Ҳазора маҳалласидан Мирзакарим Ҳасанов оилалари ҳам намунали, деб топилдилар. Мукофотларни топширишда вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Ҳайитова, Темирйўл тумани ҳокими А. Ҳасанов қалб сўзларини изҳор этдилар.

Фақат бугина эмас. Маҳаллалар фаоллиги бутун вилоятда авж олган. Жумладан, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда 8 тур бўйича маҳаллалар ўртасида мусобақа уюштирилди.

Яна бир нарса. Маҳаллаларда партия фаолларининг, юбилей кечалари ёки ёшларга партия билетлари топшириш маросимлари ҳам тантанали ўтказилади. Бу эса жойларда ўзаро аҳиллик, иноқлик ва ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Қўйди-чиқдиларга барҳам берилаётир. Энг муҳими, бу ҳамкорлик эзгуликка хизмат қилаётир.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**
**Очил МАРДОНОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

# КОТИБ ЎЗГАРДИ

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов тумани партия кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Латиф Ғуломов яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясида кўриб чиқилган масалалар тўғрисида сўз юритиб, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Шукур Темуров республикада истиқомат қилувчи барча миллат, элатлар ўртасидаги ҳурмат, маҳаллаларда гузарлар барпо қилинаётганлиги ҳақида тўхталди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Шуҳрат Ёқубов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Маҳмуд Ёқубов Акмал Икромов туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Атаулла ИСАХОНОВ.

*Ҳамкорликда ҳикмат кўп*

# ИШТИЁҚМАНД ИШГА ШЎНҒИЙДИ

Абдуқодир ака камгап одам. «Ўтгани ўтди. Ишлаш керак. Давр талашиб-тортишишни эмас, бир ёқадан бош чиқариб, фидокорона меҳнат қилишни тақозо этмоқда», — дейди, холос.

Бу яшаш ва ишлашнинг ўзига хос дастурига айланган сўзларни меҳнатга ўч, янгиликларга ҳавасманд йигит дилида неча марра такрорлаганига шубҳа йўқ. Айтмаган-у шунга риоя қилган.

Эсимда, республика Сув хўжалиги вазирлигига қарашли Хоразмдаги 14-хўжалик ҳисобидаги автокорхонага ишга юборишди уни. Иш фаолиятини оддий механикликдан бошлади. Кейин корхонанинг механизмлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи бўлди. Тезда жамоанинг катта-кичиги билан оға-инидек тил топишиб кетди. Ҳамкору ҳамнафас бўлди.

Ўйлаб қолдим. Бу фазилатларни балки раҳматлик отаси Мадрим акадан олгандир? 1-гуруҳ ногирони бўлган отаси умри бўйи оддий ишда ишлади. Онаси Ёқутжон опани бутун воҳада колхоз қурилишининг кўзга кўринган фаоли сифатида танишади. Умрининг 52 йилини ана шу ишга бахшида этган мўътабар онахоннинг тарбияси маҳсулидир бу фазилат.

Қисқаси, кечагина Тошкент политехника институти дипломи билан келган йигит орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан 29 ёшида корхона директори бўлди. Ўша пайтлари корхонада тўрт юздан зиёд турли техника, транспорт воситалари бўлиб, иш кўлами фақат миллионлар билан ўлчанарди.

Абдуқодир янги техникалар сотиб олиш, эскиларига қайта умр бағишлашга жазм этди. Сал ўтмай автокорхона ихтиёридаги техника-транспорт воситалари сони беш юздан ошди. Қишлоқ хўжалиги ва сув тармоқлари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган юк ташиш хизматини воҳада юқори кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди — уч йил ичида бунга тўла эришди ҳам. Шу муддатда автожамлама республикада намунавий жамоага айланди. Вазирликнинг доимий семинар-кўриклари шу ерда ўтказиладиган, ёш директорнинг иш тажрибаси бошқа жамоаларда мисол қилиб кўрсатиладиган бўлди. Тақдирлашлар, кўчма байроқлар...

Хоразм жамоа хўжаликлари қурилиш трестининг Абдуқодир Мадримов ҳозир бош бўлган автокорхонаси вилоятдаги барча жамоа хўжаликларига фаол хизмат қилади. Узоқ йиллардан буён қарзга ботган, ишлар ўнгланмаётган бу қолоқ автокорхонани ўтган йил бошида қабул қилиб олганида корхона «картотека»да ўтирар, ярим миллион сўмдан зиёд зарари бор эди. Иш ҳақининг пастлигидан айрим малакали ҳайдовчилар бўшаб кетишга ҳам мажбур бўлганди.

Ўтган бир йил ичида автокорхонада нафақат қарзлар узилди, балки ҳар ойда соф фойда олиб ишлашга ўтилди. Ўтган йилни зўрға «минус-плюс» билан якунлашган бўлишса, шу йилнинг фақат иккинчи чорагининг ўзида 100 минг сўм соф фойда билан якунланди. Кейинги ойлардаги натижалар ҳам чакки эмас.

Шовот ва Янгиариқ туманларида жадал барпо қилинаётган тўқимачилик мажмуаларига автотранспорт хизмати кўрсатиш корхона зиммасида. Бу фабрикалар бир-икки йил ичида ишга тушиб, тайёр маҳсулот бера бошлаши керак.

Буни жамоа яхши билади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай эҳтиёт қисм керак бўлса, дунёнинг бошқа бурчагидан бўлсин, хоҳ мол айирбошлаш йўли билан, хоҳ иқтисодий манфаатдорлик битими асосида топиб келтириляпти. Баҳона излаш, важ-рўкач кўрсатиш йўқ. Ҳамкорлик, куйинчаклик бор. Иш мароми ошгандан ошиб боряпти. Сотимбой Тоҳиров, Баҳодир Жумабоев, Шоназар Отажонов каби моҳир ҳайдовчилар, Иброҳим Шерназаров, Руслан Раҳимовдек таъмирловчи усталарнинг меҳнатлари туфайли техника воситалари соз ишлаяпти, иншоотларга зарур юклар вақтида ташилмоқда.

Корхона пештоқига «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!» деган Президентимизнинг сўзлари ёзиб қўйилган. Бу шунчаки ёзиб қўйилмаган. Бу сўзларга қатъий амал қилиш аҳил жамоа ҳар бир аъзосининг қалбидан мустаҳкам ўрин олганини ҳис этасан киши.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ
ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

## ЯПОНИЯДА ЯНА ЗИЛЗИЛА

ЯПОНИЯДА яна зилзила рўй берди. Мамлакат метеорология бошқармасининг маълумотларига кўра, Хонсю ва Хоккайдо оролларида Рихтер шкаласи бўйича 5,1 балл куч билан ер қимирлаган. Ҳозиргача жабрланганлар ва вайронагарчилик ҳақида ҳеч қандай хабар олингани йўқ.

## «ТОЛИБОН»-ЧИЛАРНИНГ ТАЛАБИ

АФҒОНИСТОН Президенти Бурҳониддин Раббоний ҳукумати қўшинлари беш кун ичида қуролларини ташлаши лозим, деб талаб қўйди «Толибон» ислом ҳаракати. Ушбу талаб бажарилмаса, Толибон ҳаракати мамлакат пойтахти Қобулга қуролли ҳужум уюштиражагини маълум қилган.

## ФАРМОН КУЧГА КИРДИ

ҚОЗОҒИСТОН Президенти Нурсултон Назарбоевнинг «Қозоғистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги чегараларда божхона назоратини бекор қилиш» тўғрисидаги фармони кучга кирди. Мазкур фармон Белорусь, Қозоғистон ва Россия Федерацияси ўртасида имзоланган божхона иттифоқи тўғрисидаги битимга мувофиқ ҳамда Қозоғистон билан Россия Федерацияси ўртасида божхона иттифоқи ташкил этишнинг биринчи босқичи тугагани муносабати билан эълон қилинди.

## МУНОСАБАТ ҲОЗИРЧА САЛБИЙ

МАЪЛУМКИ, Стокгольм маъмурияти 2004 йилда бўлажак ёзги олимпиадани ўтказишга даъвогарлик қилаётир. Бироқ, бу таклифга Швеция пойтахти фуқароларининг кўпчилиги салбий муносабат билдирмоқда. Сўров натижасига кўра, аҳолининг 44 фоизи Стокгольмда олимпиадани ўтказишга қарши экан. 18 фоизи эса ҳозиргача бирор тўхтамга келмаган. Сўралганларнинг фақат 38 фоизигина бу тадбирни ўз шаҳрида ўтказилишини қўллаб-қувватламоқда.

## ЎҚИТУВЧИЛАР НОРОЗИЛИГИ

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Россия Федерациясида ярим миллиондан ортиқ ўқитувчи 26 сентябрь куни Бутунроссия ўқитувчиларининг бир кунлик иш ташлашида иштирок этади.

Ушбу иш ташлашда мамлакат бўйича 11 мингдан зиёд мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари жамоалари қатнашиши мумкин. Маориф ходимлари кам маош олиши ва мазкур соҳанинг ҳукумат томонидан етарлича маблағ билан таъминланмагани ушбу норозиликка сабаб бўлаётир. Айни вақтда ҳукуматнинг ўқитувчилардан қарзи 350 миллиард рублни ташкил этади.

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**



**Суратда: Жанубий Кореянинг Сеул шаҳри.**

*Бугуннинг гапи*

## ИДИШЛАР, ШИША ИДИШЛАР

Текширишлар савдо шохобчаларининг сотувчилари «шиша идишларни солиш учун яшиклар йўқ, шиша идишлар кўпайиб кетди, тўлаш учун ошиқча пулимиз йўқ, биздан ишлаб чиқариш корхоналари қабул қилмаяпти» деган баҳоналар билан аҳолидан шиша идишларни қабул қилмай белгиланганидан ошиқча шиша идишларни сақлаш ва ўз вақтида ишлаб чиқаришга қайтармай ушлаб туришга мослашиб қолганликларини кўрсатди. Сотувда турган шиша идишдаги маҳсулотларнинг нархига идишнинг қиймати кириши ёки кирмаслигининг кўрсатилмаётгани ҳам суиистеъмолликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда.

383 текширувдан 22 ҳолатда турли қоида бузарликлар аниқланди. Жумладан, 35 марта шиша идишларни қабул қилишда фуқаролар ҳақига хиёнат, бир ҳолатда 4140 сўмлик ҳисобга киритилмаган ортиқча шиша идишлар мавжудлиги, 45 жойда шиша идишларни қабул қилишдан бош тортиш, 25 савдо корхонасида махсус шиша идиш қабул қилиш бўлимлари ва пунктлари ташкиллаштирилмаганлиги ёки сабабсиз ишламаслиги, 35 жойда нарх ёрлиқлари қўйилмаганлиги ва бошқа турли қоидабузарликлар аниқланди.

Хусусан, Жиззах вилояти «Нурафшон» ширкатлар уюшмасига қарашли дўконда назорат текшируви ўтказилганида сотувчи К. Жўраев фуқародан 40 дона 0,5 ҳажмли шиша идишларни қабул қилиб 35 сўмлик маҳсулот ва 25 сўм нақд пул берди, холос. Ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда у харидор ҳақидан 100 сўм миқдорида олиб қолгани маълум бўлди.

Бўш шиша идишлар қабул қилиб олаётиб Сирдарё вилояти «Турон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 11-сонли озиқ-овқат дўкони сотувчиси Х. Жабборов 122 сўм, Янгиқўрғон туманидаги 2-дўкон мудири Ф. Адашева фуқаро ҳақидан 82 сўм, Қарши шаҳридаги «Шарбатсавдо» фирмасига қарашли 11-сонли озиқ-овқат дўкони сотувчиси С. Баратов 54 сўм, Тошкент шаҳрида жойлашган «Суғдиёна саховат» кооператив корхонасининг салқин ичимликлар бўлими сотувчиси Б. Ҳакимова 64 сўм 75 тийин, «Озуқа» фирмасининг 27-дўкони сотувчиси Аҳророва 38 сўм 20 тийин, «С. Раҳимов» ҳиссадорлик жамиятининг 29-сонли дўкони сотувчиси П. Утешев 17 сўм уриб қолдилар.

Фарғона вилояти Учкўприк туманига қарашли Ҳ. Ҳакимзода ва Улуғбек номли очиқ ҳиссадорлик жамиятларида жами 126.200 дона, Қарши шаҳар озиқ-овқат ҳиссадорлик жамиятига қарашли 7-сонли озиқ-овқат дўконида 19.064 дона шиша идишлар яшиклар йўқлиги баҳона қилиниб салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз вақтида жўнатилмаган. Наманган вилояти Косонсой шаҳар матлубот ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли идишлар омборхонаси текширилганда мудир И. Юсупов 1035 дона ёки 4140 сўмлик ортиқча шиша идишларни сақлаб турган маълум бўлди...

Камчиликлар талайгина. Уларнинг олдини олиш, тугатиш пайти келди.

**Ибодулла ЎСАРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар.*

## «КЎТАРАГА ПИЁЗ БОР, ОЛАСИЗМИ?»

Газетанинг шу йил 8 август сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада республикамиз жанубида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пойтахт бозорларига етказиш ва сотишдаги баъзи муаммолар хусусида фикр юритилган эди. Кўтарилган масала юзасидан ҳали мутасадди идоралардан расмий жавоб олганимизча йўқ. Аммо Денов туман ҳокими Т. МЕНГЛИЕВ мақолада кўтарилган масалага билвосита дахлдор эканлигини англаб қуйидаги мазмунда хат йўллабди.

Сурхондарё вилояти Денов туман ҳокимлиги газетанинг шу йил 8 август сонида чоп этилган «Кўтарага пиёз бор, оласизми?» сарлавҳали мақолани ўрганиб чиқиб, кўтарилган масала жуда тўғри эканлигини таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, Сурхондарёда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларига қараганда эрта пишади. Аммо пойтахт аҳолисига етказиб бериш, Тошкент шаҳрининг истеъмол бозорини арзонлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Айниқса, аҳоли томорқасида етиштирилган ортиқча маҳсулотларни чиқариб сотишда қийинчиликлар мавжуд. Шунинг учун пойтахт ва бошқа шаҳарларнинг етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилувчи ва мўлжалланган жойларга етказиб берувчи пунктларини ҳар бир туманда очиш мақсадга мувофиқдир. Агар шундай қилинса маҳсулот етиштирувчи ортиқча ташвишдан қутилади, иш вақтини йўқотмайди.

Яқинда Навоий шаҳридаги Темир йўл олди маҳалласида 14 турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

Вилоят дон маҳсулотларини қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти ўз ҳисобидан цех учун Олмонияда тайёрланган «Винклер» фирмаси жиҳозларини сотиб олиб берди.

Цех фаолият бошлаган биринчи кунданоқ бу ерда барча ишлар намунали олиб борилмоқда. Мижоз буюртмаси бўйича тайёр маҳсулотни унинг уйига элтиб бериш хизмати ҳам йўлга қўйилди. Энг мақбули — бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар бошқа дўконлардагидан бирмунча арзон.



**СУРАТДА: новвой Фарҳод Мирзаев иш устида.**
**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Ислоҳот чорраҳаларида*

# ЮРТ ТЎКИНЛИГИГА БИЗ ҲАМ КАМАРБАСТАМИЗ

Ҳа, биз мустақилликнинг илк давридаёқ шу йўлни танладик. Шу йўлдан борамиз. Яъни эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш бизнинг ҳам биринчи галдаги бурчимиздир. Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлдаги йиғилишида аҳоли дастурхонини тўкин қилиш учун давлатимиз ҳамма тадбирларни кўраётганлигини аниқ мисолларда кўрсатиб ўтди. Жумладан, шундай деди: «Оқсил моддаларга бой ва ёғли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш кўпайди. Нон маҳсулотлари истеъмолининг сезиларли камайиши билан бир қаторда гўшт маҳсулотлари истеъмоли 25 фоиз, ўсимлик ёғи истеъмоли 17 фоиз, мевалар 23 фоиз, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти 13 фоиз, қанд-шакар истеъмоли 2 фоиз ўсди». Бу нимани кўрсатади? Юрт тўкинлиги, минг қатла шукрки, мустақиллигимиз даврида йилдан-йилга ўсиб боряпти.

Биз Олий Мажлис депутатлари Президентимизнинг учинчи сессиясида сўзлаган маърузасидан шундай хулосага келдикки, иншооллоҳ, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич муваффақиятли ўтиб боряпмиз.

Меҳнатсевар халқимиз дастурхонини етти хазинанинг бири бўлган парҳез парранда гўшти билан тўлдириш биз учун, ҳам қарз, ҳам фарз экан, ҳозирги шароитда нималар қилмоғимиз керак? Кейинги бир ярим йил ичида амалга оширилган ишларимизни бир чўтга солсак, нималар қилишимиз зарурлиги ойдинлашади.

«Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳозир 73 та паррандачилик фабрикаси ва унинг моддий-техника базаси билан бир қанча бўлинмалар ишлаб турибди. Улар орасида «Шарқ», «Нур», Шароф Рашидов номли паррандачилик фабрикалари самарадорлик жиҳатидан пешқадамлик қилмоқдалар.

Бу рўйхатни яна давом эттиришим мумкин.

Бирлашмамиз энг аввало, ҳиссадорлик жамиятига айланди. Натижада чет эллик ишбилармонларнинг бизга қизиқиши янада ортди. Эндиликда маҳсулотларимиз аҳоли дастурхонига тезроқ етиб бориш учун биринчи галда биз савдо тармоқлари билан шартнома асосида ишлашга ўтдик. Бу нима дегани? Аввалига эскича тартибда маҳсулотимизни олган савдо тармоқлари унинг ҳақини кейинроқ тўлаб келишарди. Биз нима қилдик, энди улар юборган маҳсулотимиз қийматининг салкам учдан бир қисмини олдиндан тўлайдиган қилдик. Шуни яхши тушундикки, ҳеч қачон пули йўқ савдо корхонаси ва ташкилотга маҳсулот бермаймиз. Ҳисоб-китоблар юритиш, пул маблағларини ўтказиш борасида қатъий интизомни йўлга қўйдик. Натижада корхона ва хўжаликларнинг дебиторлик қарзи кескин камайди. Маҳсулотимиз учун маблағнинг учдан бир қисми бизга олдиндан келиб тушиши натижасида бу маблағни тезда ишлаб чиқаришга сарф қила бошладик. Масалан, озуқа ва ветеринария ускуналари ва ҳоказолар сотиб олишдан ташқари ўзимизнинг бир қанча кўчма дўконларимизни ташкил этиб, маҳсулот сотишни йўлга қўйдик. Яна бир гап: бу ҳақда юртбошимиз муҳим йўл-йўриқ кўрсатди. Биз режа-план тушунчасидан аллақачон воз кечганмиз. Қаерда маҳсулотимизга талаб катта бўлса, қандай хилларини хоҳлашса, ана шу талабларни олдиндан ўрганиб маҳсулотлар турини кўпайтиряпмиз, сифатини яхшилаяпмиз. Чунончи, парҳез товуқ ва курка гўштидан тайёрланган қази ва сосискага жойларда талаб ошганлигини кўрдик. Дарров ана шу маҳсулот турларини кўпайтирдик. Ҳатто мазали болгар колбасаси тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври бизга кўп нарсаларни ўргатяпти. Курка масаласини олайлик. Шу кунларда 60 мингга яқин курка боқяпмиз. Чимён агрофирмамизни ўтган йили бориб кўрган юртбошимиз куркачиликни ривожлантириш борасидаги ташаббусимизни маъқуллади. Бундан руҳланиб Урганч, Риштон, Хонобод ва Шовот туманларида куркачилик фабрикалари бунёд этдик. Хуллас, юқорида айтиб ўтганимиздек изланиш, имкониятларни ишга солиш йўлида ҳаракат қиляпмиз. Наинки давр ўзи йўқдан йўндиришни, уддабуронлик билан иш юритишни тақозо этяпти.

Ҳозирги замонда бизнинг соҳада ҳам жаҳондаги илғор технологияни ўрганмасдан туриб, чет эллардаги фирмалар билан боғланмасдан туриб ривожланишнинг юксак поғоналарига чиқиш қийин. Бу йўлда ҳам катта саъй-ҳаракатлар қиляпмиз. Тилга олиб ўтган Чимён бағридаги куркачилик агрофирмамиз Исроилнинг «МАД» фирмаси билан ҳамкорликда дунёга келган. Ҳамкорликлар самарали бўлгандан кейин бу борадаги ишларимизни ҳам ривожлантирдик. Шу йилнинг қисқа даврида эндиликда Германиянинг «ТАД», Голландиянинг «МЕЙН» АҚШнинг «Айбор эйкерс» фирмалари мутахассислари билан биргаликда кўпгина ишларни амалга оширяпмиз. Улардан антибиотиклар, витаминлар, зардоблар, касалликнинг олдини олиш воситалари, турли асбоб-ускуналар шартнома асосида олинмоқда. Аммо ўзимизда ҳам ана шундай воситаларни тайёрлаш мумкинлиги равшан бўлиб қолди.

Ҳозир бу борада ҳам дастлабки тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Бозор иқтисодиёти фан билан ишлаб чиқариш алоқасини чин маънода амалий мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Гапнинг очиғи, собиқ Иттифоқ даврида бу алоқа қоғозда бор эди-ю амалда йўқ эди. Ҳозирги алоқаларимиз самарали. Масалан, мамлакатимизга Россия ҳукумати раиси В. Черномирдиннинг ёки Белорусь Президенти Лукашенконинг расмий ташрифи бизнинг соҳада ҳам ҳамкорликларни мустаҳкамлади. Демак, бу масалада ҳам кўп иш қилиниши лозим. Айтайлик, нега энди меҳнатни илмий асосда ташкил этиб, олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари олиму мутахассисларини ҳам бизнинг соҳага жалб этиш мумкин эмас? Фарғона, Андижон, Тошкент, Самарқанд вилоятларидаги паррандачилик фабрикаларида бу ишни йўлга қўйдик. Натижа яққол кўринди.

Албатта, муаммоларни ҳал этишда кўнглимиз тўлмаётган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, озуқа, омухта ем масалаларида ҳали мустаҳкам база яратиш вазифаси турибди. МДҲ, ўзимиздаги хўжаликлар билан шартномалар асосида ёки маҳсулот айирбошлаш йўли билан бу муаммони ҳам ҳал этиш тадбирларини кўряпмиз. Биргина бу эмас. Моддий-техника воситалари ва бошқаларга кетадиган сарф-харажатларни қоплабгина қолмай, фойда олиб ишлашни таъминлаш учун бор имкониятларни ишга соляпмиз. Биргина мисол: агар биз ҳамма жойда тадбиркорлик билан иш юритиб, тежамкорликка қаттиқ риоя қилсак, миллионлар тежалади. Бунга яна бир мисолни айтиб ўтаман: жойлардаги вилоят ва туман ҳокимлари ҳам ўз ҳудудидаги паррандачилик тармоқларига шу ерда ўзларига тайёрланаётган ун ёки бошқа дон маҳсулотлари чиқиндисини бироз тортиқ этишса борми бу соҳада янада маҳсулдорлик ошарди. Паррандабоқарларимиз ҳам озуқа, омухта ем муаммосидан бироз қийналишмасди. Агар бунга ҳамма жойда масъулиятни кучайтиришни ҳам қўшсак, иш маромида кўпгина силжишлар бўлиши табиий.

Йил бошидан ҳозиргача колбаса ва қази сингари тансиқ маҳсулотларни тайёрлаш бирлашмамиздаги «Чимён» паррандачилик фабрикасида, Тошкент вилояти қайта ишлаш комбинатларида ибратли амалга оширилмоқда. «Чимён»да 50.758 тонна колбаса маҳсулотлари, 22,859 тонна қази, Тошкент қайта ишлаш комбинатида эса 65,423 тонна колбаса, 8,578 тонна дудланган товуқ гўштлари тайёрланган. Натижада бирлашмада шу ва бошқа тармоқларни ривожлантириш эвазига йилнинг олти ойи мобайнида 32 миллион сўм фойда олдик.

Мустақиллигимизнинг тўртинчи йилида бирлашмамизнинг вилоятлардаги бўлимлари ишига бир назар ташласак, эришган ютуқларимиз ойдин кўринади. Масалан, давлатга тухум сотиш режаси Самарқанд вилоятида 118,7 фоизга, парҳез товуқ гўшти сотиш режаси эса Жиззах вилоятида 116,8, Навоий вилоятида 114,9, Сирдарё вилоятида 106,3, Тошкент вилоятида 121,2, Хоразм вилоятида 127,7, Фарғона вилоятида эса 150,8 фоизга адо этилди.



Хулоса қилиб айтганда, бирлашмамиз тармоқларида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ишимиз тизимида кўпгина янгиликларни жорий этиб боряпмиз. Маҳсулот бозорини олдиндан ўрганиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, маблағларнинг ишлаб чиқаришга тезроқ наф бериши, тадбиркорлик руҳини қуйи участкаларда ҳам ривожлантириш ва бошқа муҳим жабҳаларда иш олиб боряпмиз. Биз нимаики тадбирни амалга оширмайлик, халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондиришни ўйлаб, «Шу азиз Ватан — барчамизники» — «Биз Ватанга нима бердик», деган туйғу билан ишлайверамиз. Ўйлаймизки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида юртбошимиз ўртага ташлаган бу шиор турмуш тарзимизга, маънавий-ахлоқий мезонимизга айланса мустақиллигимизни ўз меҳнаткаш қўлларимиз билан янада мустаҳкамлаган бўламиз.

Ҳа, мустақиллик бизга кўп нарса берди, кўп нарсани қилишга ўргатди. Мустақиллик бизни саодатга элтяпти. Шу саодат бизни бор куч ва имконият билан ишлашга, ишлаганда ҳам Ватанга, юртга муҳаббат билан камарбаста бўлишга ундамоқда.

**Ҳамиджон ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.**

